

ЭРТОШ-ДҮЛНА МОЗОР-ҚҮРҒОНЛАРИНИНГ ЗООМОРФ ДАСТАЛИ КУЛОЛЧИЛИК БУЮМЛАРИ

Бекзод ИСАБЕКОВ

Тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Миллий археология маркази

Тошкент, Ўзбекистон

ibehzod5916006@gmail.com

Аннотация

Мақолада Оҳангарон водийсининг юқори қисмидаги Қовунчи маданиятига тегишли Эртош–Дўлана мозор-қўргонларидан топилган зооморф дастали кулолчилик буюмлари ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек қадимда энг кўп тарқалган “кўчкор ва от” культи ўрганилиб илмий тахлил қилинган.

Таянч сўзлар: Эртош–Дўлана, мозор-қўргонлар, қўра, қўчкор, балдоғ, Қовунчи, зооморф, катакомба, ангоб, от.

ГОНЧАРНЫЕ ИЗДЕЛИЯ С ЗООМОРФНЫМИ РУЧКАМИ ИЗ МОГИЛЬНИКА ЭРТОШ-ДУЛНА

Бекзод ИСАБЕКОВ

Доктор философии (PhD) по историческим наукам

Национальный центр археологии

Ташкент, Узбекистан

ibehzod5916006@gmail.com

Аннотация

В статье приводятся сведения о гончарных изделиях с зооморфными ручками из могильника Эртош-Дулана, относящихся к культуре Ковунчи верхней части Ахангаранской долины. Вместе с тем, изучается и анализируется культ «барана и лошади», широко распространенного в древности,

Ключевые слова: Эртош-Дулана, мазары-курганы, загон, баран, серыга, Ковунчи, зооморф, катакомба, ангоб, лошадь.

Оҳангарон водийси Тошкент воҳасидаги турли хил археологик ёдгорликларга бой худудлардан бири ҳисобланади. Бу ўлканинг қадимги чорвадорлар маданиятини ўрганишда дафн маросимлари муҳим аҳамият касб этади. Илк ўрта асрлар даври чорвадор қабилалари ҳаётида ўтроклашиш жараёнлари жадал кечган. Ушбу янги очилган археологик ёдгорликда олиб борилган кенг қамровли археологик тадқиқот натижалари Юқори Оҳангарон ҳавзасининг ҳудудий, иқтисодий-хўжалик, этномаданий ва диний-

мафкуравий ўзлаштирилиши, кулолчилик буюмлари минтақа чорвадорларининг ўтроқлашиш жараёнлари ва моддий маданиятини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Эртош–Дўлана қабристони “Ангрен–Қўқон” автомагистрал йўлининг 26-километрида Чатқол тизмаси дараларидан очиб тушган Эртошсой ўрта ҳавзасининг чап соҳил бағрида 41.184434° шимолий кенглик, 70.308826° шарқий узунликда жойлашган.

Ушбу ёдгорлик Чатқол тизмаси ёнбағрида эгаллаган боғларни сугориш вақтида чўқмалар хосил қилиши натижасида топилди. Ушбу чўқмалар очиб ўрганилгач, ер сатҳидан 4 метр чуқурликда ашёвий далилларга бой қабрлар борлиги аниқланди. Қабрлардан топилган археологик ашёвий далиллар, Қовунчи маданиятига мансуб эканлиги маълум бўлди [10]. Шундан сўнг қадимги ёдгорликда археологик қазишмалар ўтказилди.

Қабристон соз тупроқли қияли майдонда жойлашган бўлиб, унинг майдони 1 гектарга teng. Қабристон худудидан икки тарихий даврга оид бир нечта қабрлар топилди. Траншеянинг энг пастки горизонтидан Қовунчи маданиятига тегишли катакомба қабрлар, юқори қисмидан ўрта асрлар даврига тегишли қабрлар очиб ўрганилди [10]. Қазишмалар натижасида Эртош–Дўлана ёдгорлигидан ҳаммаси бўлиб еттита қабр очилди. Ўрганиш натижасида топилган мозор-қўрғонлар катакомба шаклида бўлиб, уларга қисқа тор йўлак (дромос) орқали кирилган.

Ушбу қабрлардан топилган скелетлар ва ашёвий далилларнинг илмий таҳлилига кўра, бу қабрни оиласиб хилхона бўлган, деган хulosага келиш мумкин. Эртош–Дўлана мозор-қўрғонлари моддий манбаларга бой бўлиб, уларнинг асосий қисмини зеб-зийнат буюмлари, кулолчилик идишлари, металлдан ишланган қуроллар ташкил этади. Топилган моддий ашёлар ушбу худудда яшаган қадимги туб ахолининг ҳаётлик давридаги ижтимоий-иктисодий аҳволини ҳам белгилаб беради. Уй-рўзғор буюмлари орасида сопол идишлар кўпчиликни ташкил этади. Мозор-қўрғонлардан топилган

кулолчилик буюмларининг барчаси қўлда ясалган бўлиб, улар асосан жасаднинг бош ва оёқ тамонига қўйилган.

Эртош–Дўлана мозор-қўргонларидан жами 43 дона кулолчилик буюмлари топилди. Кулолчилик буюмларни асосан қўза, хурмача, қозон, коса, кружка каби идишлар ташкил этади. Улар орасида зооморф дастали кружжалар 9 дона бўлиб сопол идишларнинг 38% ни ташкил этади.

Куружка (ёғлоги). Уларнинг бўйлари 11–14 см., оғзиларининг диаметри 8,5–10 см.ни ташкил этади. Бу қуружжаларнинг ясалишига ва тузилшига кўра қўйидаги типларга ажратилди: биринчиси, бўйин қисми цилиндр шаклида, гардиши тик, иккинчиси, қуружканинг бўғзи калта, қорин қисми айланда шаклида ишланган.

1. Бўйин қисми цилиндр шаклида гардиши тик, 9 та ноксимон қуружка. Қўлда нафис ясалган бўлиб, сиртига қизғиш ёки қора рангда ангоб берилган. Қуружканинг бўйин қисми цилиндр шаклида, гардиши тик қорин қисми ноксимон шаклида ишланган. Баъзиларида елка айланаси бўйлаб чизиқча тортилган бўлса, баъзиларида эса пареллел чизиқлар тортилган. Бўйин ва елка қисмини бирлаштирувчи дастаси вертикал жойлашган.

Идишларнинг баъзи бирларининг дастасида хайвон тасвири туширилган. Бешта қуружжаларнинг дастасига шохли қўчкор тасвири туширилган. Идишлар ясалиши, тузилиши, ранги жихатдан бир–бирига яқин (1.1–4,7-расм).

Қуружжаларнинг елка айланаси бўйлаб чизиқча тортилган. Оч қизғиш рангда ангоб берилган дастаси синган (1.6-расм).

Қуружжалар қўлда нафис ясалган бўлиб, сиртига қизғиш ёки қора рангда ангоб берилган. Қуружканинг бўйин қисми цилиндр шаклида, гардиши тик, қорин қисми ноксимон шаклида ишланган. Бўйин ва елка қисмини бирлаштирувчи балдоғи вертикал жойлашган. Идишларнинг баъзи бирларининг дастасида хайвон тасвири туширилган. Баъзи идишларнинг дасталари синиб қолган (1.8-расм). Қуружжаларнинг дастасига аксарият қўчкор тасвири туширилган. Афсуски, идишларнинг бирида дастадаги

қўчкорнинг тумшуғи синиб қолган. Аммо унинг шохлари сақланиб қолган (1.9-расм). Куружкаларнинг яна бирининг ярим ҳалқа шаклида ясалган дастаси устига ўрнатилган от хайкалчасининг бир бўлаги синиб йўқолган. Даста устида фақат отнинг қулоқлари ва ёли сақланган (1.5-расм).

I минг йилликнинг биринчи ярмидан Тошкент вохаси ва Ўрта Сирдарё учун жуда характерли, зооморф тутқичли сопол идишлар кўплаб ёдгорликларда учрайди [7]. Айнан Қовунчи маданияти кулолчилик идишлари ва буюмларида хайвон шакли туширилган фрагментлар кўплаб аниқланган. Бу ҳайвонлар орасида қўчкор шакли қўпроқ учрайди. Қўчкор қут-барака, куч-кудрат, бойлик ўлчови сифатида қабул қилинган. Қўчкорнинг бойлик унумдорлик (фаровонлик) билан боғлиқлиги ҳақида, шунга ўхшаш ғоялар олтин жун ҳақида юонон мифларида берилган [1]. Г.В. Григорьев эса қўчкор тасвирини қуёш белгилари билан боғлаш мумкин [2] дейди. Сопол идишларнинг баъзиларида қўчкорнинг алоҳида элементлари – боши, шохи акс эттирилган. Б.А.Литвинский буни Фарн (Фарн – баҳт, омад маъносида) маъбудига топинч эътиқоди билан боғлаган [8]. Қўчкор Авестода худо Хварна (Фарна) – иноят, бойлик, шон-шухрат худосининг мужассамланишидан бири сифатида қабул қилинган [1]. Шохли қўчкор тасвири ёвузликнинг, баҳтсизликнинг олдини оловчи химоя тумори сифатида ҳам хизмат қилган. Ҳозирги кунда юртимиздаги айrim жойларда қўчкорнинг, буқанинг бош чаногини баланд жойларга илиб қўйиш одатлари кўзга ташланади.

Турли ҳалқларда қўчкор билан боғлиқ эътиқодлар кенг тарқалган. Хусусан лезгинлар қўй жуни одамни қўрқмас қиласи, қора қўйнинг мияси ақлни мустажкамлайди, кўз-қўриш, жигар ва юракка жасорат беради деб хисоблайдилар [4]. Шунингдек Мисрдаги қадимги фиръавн ибдатхонасидан 2000 мингдан ортиқ мўмиёланган қўйлар боши топилган, қўйлар милоддан аввалги 30-йилларга тўғри келади [17]. Қадим даврдан ҳозирги кунга қадар қўчкор энг кўп қурбонлик қилинадиган хайвонлардан бири саналади. Қўчкор ҳозирги кунда ҳам тўй ва маракаларда, Қурбон хайитларида энг кўп

қурбонлик қилинадиган хайвон саналади.

От тотеми билан боғлиқ қарашлар дунёning турли халқлари орасида кенг тарқалган. Турли афсона ва ривоятларда, археологик қазишмаларда от билан боғлиқ кўплаб маълумотларда ўз аксини топган. Ўрта Осиё худудида от қульти билан боғлиқ кўмиш удумлари илк кўчманчилар даврига бориб тақалади. Қадимги турклар отни гапира оладиган ва уча оладиган жонзот деб тушунишган. Кундалик ҳаётда мухим ўрин эгаллаган от, кейинчалик муқаддас топинчга айланган [11].


Маълумки, от бир қатор Авесто худолари (Митра) тимсоли бўлган. Турли халқларнинг кўплаб диний эътиқодларида от қуёш ёки уруш худоси билан бўлган. Туркий мифалогияда отга катта аҳамият берилган. От ҳам эгасининг ҳимоячиси ва қўриқчиси вазифасини бажарган [1]. Шу билан бирга, диний ғояларда от кўпинча ўликлар ва тириклар дунёси ўртасида воситачи бўлиб хизмат қиласи деб ўйлашганлар. Қадимги массагетлар ҳам энг буюк ва энг тезкор худо – Қуёшга, “энг тезкор хайвон” – отни қурбонлик қилганлар [5].

Дасталарида от ёки итнинг боши тасвирланган кўплаб зооморф идишлар (Унгурли-асар, Томпак-асар, Кара-асар) учрайди. Зооморф дастали идишлар милодий II асрларда Сарматлар маданиятида Шимолий Кавказ, Қирим, Қуйи Волга бўйларида кенг тарқалган [13]. Бу идиш айнан юқоридаги маданиятларнинг ушбу худудларда таъсир доирасини ҳам кўрсатади. Бугунги кунда ҳам отдан халқимиз вафо, садоқат рамзи, шу билан бирга асосий иш кучи ва транспорт сифатида фойдаланиб келмоқда.

М.И.Филанович фикрича, Қовунчи маданиятининг ўзига хослиги шундаки, сопол идиш дасталарида ҳайвон шакли туширилган идишлар жуда кенг тарқалган [16]. Бундай шакли зооморф дастали идишлар Тошкент воҳасида [3], Фарғона водийсида [8], Қозогистон [9], Тожикистон [7], Уструшона [14], Сўғд [15] худудларидан кўплаб топилган. Левинага кўра, Қовунчи сополларида ҳайвон шакли туширилган идишлар тотемлар вазифасини ҳам бажарган ҳамда бундай кўзалар Қовунчи маданиятининг II

босқичида кенг тарқалганини такидлайди [9]. Диний-маданий ҳаётда оташпарастликнинг ғоявий устунлиги кўзга ташлансада, аммо диний бағрикенглик Сирдарё ўрта ҳавзалари жамияти маънавий ҳаётида ўз ўрнига эга эди. Қовунчи маданияти моддий ва маънавий дунёсига қараганда туркий этник жамоаларга хос Тангри культи [12], тотемизм ва унинг от, қўчкор культи, сеҳр-жодуга ишониш кенг халқ оммаси орасида давом этар эди. Айнан бу холатлар куружжаларда, сопол идишларда қисман бўлсада ўз аксини топган.

Юқори Оҳангарон ҳавзаси худудий доирасида Қовунчи маданиятига тегишли қатор янги мозор-қўрғонларини қашф этилиши ва ўрганилиши туркий этник жамоаларнинг антик, айниқса, илк ўрта асрларда Оҳангарон водийсининг тоғли ҳудудларига жадал кириб келганлигидан далолат беради. Сопол буюмлар ичида зооморф дастали кружкалар алоҳида ажралиб туради. Бу куружжалар даврий жиҳатдан Қовунчи II маданиятини белгиловчи асосий характерга эга. Кулолчилик буюмларига ҳайвон шаклларининг берилиши сўнги антик ва илк ўрта асрларда тотемистик ғояларни акс эттириш билан биргаликда маълум бир ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятлари тезлик, чидамлилик, унумдорлик фойдалилик жиҳатларига ҳам асосланган. Айнан шундан келиб чиқиб қўчкор ва от культини муқаддас билишган ва эъзозлашган.



Расм 1. Эртош-Дўланадан топилган тутқичи ҳайвон шаклидаги кулолчилик буюмлари

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Богомолов Г.И. Зооморфные культуры раннесредневекового Чача //O’zbekiston Arxeologiyasi, 2015. – №1 (10). – Б.33-46.
2. Григорьев Г.В. Келесская степь в археологическом отношении (к истории культуры древних саков) //Известия АН КазССР, Серия археология, в. 1, 1948. – С. 55
3. Григорьев Г. В. Келесская степь в археологическом отношении. – ИАН КазССР, 1948, № 46. Серия археологическая. Вып. 1, – С. 55 и след.
4. Гаджиев Г.А. Верования лезгин, связанные с животными //Советская энциклопедия, 1987. – С. 118
5. Геродот. История в девяти книгах // Перевод, примечания Г.А.Стратановского. – Ленинград, 1972.
6. Иномов О.У., Исабеков Б.И. Илк Ўрта асрларда Тошкент воҳасидаги археологик маданиятларнинг ўзаро локализацияси // ЎЗМУ хабарлари, 2017. – №1/4.

7. Литвинский Б.А. Кангюйско-сарматский фарн. – Душанбе, 1968.
8. Литвинский Б.А. Керамика из могильников Западной Ферганы. – Москва, 1973.
9. Левина Л.М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тысячелетии н.э. – Москва, 1971.
10. Матякубов Ҳ., Нормуродов Д., Исабеков Б., Исмаилов У. “Эртош-Дўлана” ёдгорлигига олиб борилган археологик тадқиқотлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар, 2020. – № 12. – Б.153-163.
11. Murodaliyev R. Ot kul'ti va u bilan bog'liq O'zbekistondagi arxeologik topilmalar. //Multidisciplinary Scientific Journal. VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2023. – Б. 9-14.
12. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлардаги Чоч тараққиётига Суғднинг таъсири. //Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда: халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 94-98
13. Скалон К.М. Изображение животных на керамике сарматского периода. «Труды отдела первобытной культуры ГЭ». Т.1. – Ленинград, 1941. – 173 с.
14. Тошбоев Ф. Уструшона чорвадорларининг антик даврдаги маданияти. – Тошкент, 2014.
15. Тереножкин А. И. Согд и Чач. КСИИМК. – Вып. XXXIII. 1950. – С. 154.
16. Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. – Ташкент: Узбекистан, 2010. – С. 76-84
17. <https://www.tecnobreak.com/uz>